ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.3/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СОЛЕЕВА НИГИНА АХМАДЖОНОВНА

ГАУСС ЭГРИЛИГИ ИККИНЧИ ТАРТИБЛИ НОЛГА ЭГА БЎЛГАН $\mathbb{R}^3$ ФАЗОДАГИ ГИПЕРСИРТЛАРНИНГ ЛАГРАНЖ МАХСУСЛИКЛАРИ.

01.01.04 – Геометрия ва топология

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021 йил

УДК: 517.518.5+514.752

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.3/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СОЛЕЕВА НИГИНА АХМАДЖОНОВНА

ГАУСС ЭГРИЛИГИ ИККИНЧИ ТАРТИБЛИ НОЛГА ЭГА БЎЛГАН $\mathbb{R}^3$ ФАЗОДАГИ ГИПЕРСИРТЛАРНИНГ ЛАГРАНЖ МАХСУСЛИКЛАРИ.

01.01.04 – Геометрия ва топология

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021 йил

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/FM401 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд Давлат Университети ва В.И. Романовский номидаги математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб - саҳифаси (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим парталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Икромов Исроил Акрамович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Нарманов Абдигаппар Якубович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Жаббаров Гайратбай Фархадович физика-математика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**“ММФИ” миллий тадқиқот ядро университети Тошкент шахридаги филиали**

Диссертация ҳимояси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.3/30.12.2019.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «26» август соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4 - уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2021 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2021 йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А. Садуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., академик

Н.К. Мамадалиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.ф.д. (PhD)

Р.Б. Бешимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар, кўпинча ясовчи деб аталадиган функция ёрдамида аниқланадиган лагранж акслантиришларини тадқиқ қилишга олиб келади. Бу функциялар лагранж махсусликлар деб номланадиган махсусликларга эга. Математиканинг амалий масалаларини ҳал қилиш учун силлиқ акслантиришлар, функциялар ва функциялар оиласининг классификацияси назарияси яратилган. Хусусан, кўпинча математиканинг татбиқларида Гausснинг сферик ёки нормал акслантиришларининг махсусликларини ўрганиш зарурати пайдо бўлади. Бу махсусликлар кўп ҳолларда амалий масалаларни ҳал қилишда юзага келади. Шунинг учун гиперсиртларнинг лагранж махсусликларини классификация қилиш геометрия ва топологияда катта аҳамиятга эга.

Жаҳонда фаза функциялари деб аталадиган функцияларнинг евклид фазоларидаги сиртлар билан боғланган ва уларга мос лагранж акслантиришларининг ясовчи функциялари оиласини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Умумий ҳолатдаги акслантиришлар махсусликлари учун Арнольд классификацияси мавжуд. Бу ҳолларда критик нуқталар чекли карраликларга эга ва шунинг учун улар яккалангандир. Аммо шундай махсусликлар учрайдики, улар умумий ҳолатда бўлмайди ва бу махсусликлар яккаланмаган ҳоллар учрайди. Дискрет Шредингер операторига мос дисперсион муносабатлар сатҳ сирти қавариқ бўлмайди ва унинг гаусс эгрилиги баъзи нуқталарда нолга айланади. Л.Эрдош ва М.Салмхофер гаусс эгрилиги биринчи тартибли нолга эга бўлган ҳолни аниқлашган, бундан ташқари бир қанча илмий ишларда геометриянинг классик масалаларини қўйиш ва ечишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий татбиқига эга бўлган геометрия ва топологиянинг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, сўнгги йилларда қавариқ бўлмаган гиперсиртлар билан боғлиқ лагранж махсусликларини ўрганишда салмоқли натижаларга эришилди. Дисперсион муносабатларнинг сатҳ сиртида гаусс эгрилиги иккинчи тартибли ва ундан юқори нолларга эга бўладиган нуқталари ҳам учрайди. “Функционал анализ, геометрия ва топология” фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Шунинг учун, лагранж акслантиришларига мос ясовчи функцияларнинг махсусликларини классификация килиш муҳим ҳамда мавжуд классификацияларни янада ривожлантириш жиддий аҳамиятга молик масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Лагранж махсусликларининг таснифи Х.Уитнининг классик ишидан бошланади. Бундан ташқари, Дж.Мозер, Дж.Мартинет, В.И.Арнольд, Дж.Дж.Дюстермаат, В.Мальгранж ва бошқаларнинг ишларида ушбу масалани ўрганишган. Классик ишларда асосан умумий холатдаги махсусликлар ўрганилган, лекин маълум таснифлар рўйхатларида учрамайдиган функция махсусликлари пайдо бўлган. Шундай масалалардан бири дискрет Шредингер операторининг дисперсион муносабатларига мос сатҳ сиртларида пайдо бўладиган лагранж махсусликлари билан богланган муаммоларни ўрганишга бағишланган.

Г.А.Хасанов 1997 йилда мувофиқлашган координаталар системасини қуриш мумкин бўлган силлиқ функциялар учун функционал тенглама топган ҳамда А.Н.Варченко натижасининг муҳим аналогини исботлаган. Унинг исботлаш усули А.Н.Варченко усулидан анча фарқ қилган. А.Н.Варченконинг исботи аналитик функциянинг махсусликларини ечиш тўғрисидаги Хиронаки теоремасига асосланган эди. Кейинчалик, 1999 йилда америкалик математиклар Д.Х.Фонг, Е.М.Стейн ва Дж.Штурмлар томонидан ихтиёрий аналитик функциялар учун шунга ўхшаш натижа, аниқроғи аналитик функциялар илдизларининг Пюзо қаторига асосланган исботи топилган. Г.Хасанов теоремасининг янада конструктив исботи 2011 йилда И.А.Икромов ва Д.Мюллерлар томонидан берилган. Бугунги кунда немис олимлари М. Круил ва М. Бернулолар функциянинг нормал шаклини топиш учун бир нечта компьютер дастурларини яратдилар. Аммо умумий ҳолатда функцияларни нормал шаклга келтириш қийин муаммо ҳисобланади. Шунинг учун В.И.Арнольд томонидан мувофиқлашган координаталар системасида қурилган фаза функциясининг Ньютон кўпёқлиги орқали тебранувчан интегралларнинг асимптотик ёйилмасининг асосий қисмини топиш масаласи қўйилган ҳамда бундай масалаларни ўрганишга бағишланган кўплаб мақолалар мавжуд.

Кўпгина ишларда критик нуқталарга эга бўлган функцияларнинг махсусликлари ўрганилган. Х.Уитни, Р.Том, Дж.Мозер, В.И.Арнольд, В.Мальгранжларнинг илмий ишларида силлиқ акслантиришларнинг махсусликлари ўрганилган. Ана шундай акслантиришларнинг муҳим синфларидан бири лагранж акслантиришларидан иборат бўлиб, умумий ҳолат учун ва $n \leq 10$ ўлчовли фазоларда лагранж махсусликларининг тўлиқ классификацияси мавжуд. Функцияларнинг махсусликларини ўрганишда ва тригонометрик интегралларни тадқиқ қилишда мувофиқлашган координаталар системаси муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, лагранж акслантиришлари симплектик кўпхилликлардаги лагранж қисм кўпхилликларининг проекциялари билан аниқланади. Шундай кўпхилликларни ва уларга мос акслантиришларни тадқиқ қилиш симплектик геометриянинг муҳим масалаларидир. Бу масалалар Дж. Дюстермат, Л.Хермандер, Мелроуз, Гиеман, Вейнстейн, В.И. Арнольд, Ошм, Тейлор ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетида олиб борилган Ф-4-17 "Чизиқли бўлмаган алгебраик ва дифференциал тенгламалар системаларини тадқиқ қилишнинг янги методларини ишлаб чиқиш, тебранувчи интеграллар ва уларнинг татбиқлари" мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мувофиқлашган координаталар системасини топиш алгоритмини қуриш, лагранж махсусликларини ва параметрлардан боғлиқ бўлган фаза функциясининг махсусликларини чизикли группаларга нисбатан классификациясини топишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мувофиқлашган координаталар системаси қуришнинг чекли алгоритмини топиш мумкин бўлган функциялар синфини аниқлаш;

рационал сонлар майдони кенгайтмалари устидаги формал қаторлар учун умумлашган мувофиқлашган координаталар системасини топиш;

гаусс эгрилиги иккинчи тартибли нолга эга бўлган қавариқ бўлмаган икки ўлчовли сиртларнинг лагранж махсусликларини чизикли акслантиришларга нисбатан классификациялаш;

Арнольднинг D типига мос бўлган лагранж махсусликларини аниқлаш;

уч ўлчовли евклид фазосининг қавариқ бўлмаган сиртларида мужассамлашган силлиқ ўлчовларнинг Фурье алмаштиришлари йиғилиш кўрсаткичини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида фаза функциялари, лагранж акслантиришлари, силлиқ гиперсиртлар, тебранувчан интеграллар, сиртларда мужассамлашган ўлчовларнинг Фурье алмаштиришлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети фаза функциялари ва лагранж акслантиришларининг махсусликлари, гиперсиртларда мужассамлашган силлиқ борел ўлчовларининг Фурье алмаштиришларининг чексиздаги характери.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида алгебраик геометрия, махсусликлар назарияси усуллари, Ньютон кўпёқликлари, компьютер алгебраси, дифференциал геометрия ва анализнинг асимптотик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мувофиқлашган координаталар системасини қуриш учун чекли алгоритм мавжуд бўлган функциялар синфи аниқланган, рационал сонлар майдонининг чекли кенгайтмаси устидаги формал даражали қаторлар учун мувофиқлашган координаталар системасининг мавжудлиги ҳақидаги теорема исботланган ва мувофиқлашган координаталар системасини қуриш алгоритми тузилган;

диффеоморфизмлар группасининнг қисм группаси учун мувофиқлашган координаталар системасининг мавжудлиги исботланган ва карралилиги иккидан ошмайдиган ноллари бўлган гаусс эгрилигига эга сирт билан аниқланган фаза функцияларининг махсусликлари чизикли группага нисбатан классификация килинган;

уриниш нуқталарининг тартиби билан фаза функциялари критик нуқталари карраликлари орасидаги муносабат топилган, Арнольднинг *D* типидаги махсусликлар учун Л.Эрдош-М.Салмхофер масаласининг ечими берилган ва Л.Эрдош ва М.Салмхофер теоремасининг янги исботи олинган;

фаза функциялари Арнольднинг *D* типидаги махсусликларга эга бўлган сиртларида мужассамлашган ўлчовларнинг аниқ баҳоси берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

классик группалар инвариантлари асосида мувофиқлашган координаталар системасини топиш алгоритми тузилган;

фаза функцияси махсуслиги Арнольднинг *D* типида бўлса, гаусс эгрилиги иккинчи тартибли нольга эга бўлиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ньютон кўпёқликлари, абстракт алгебра, дифференциал геометрия, аналитик функциялар назарияси, дифференциалланувчи функцияларнинг махсусликлари назарияси усулларидан фойдаланилгани ҳамда олинган натижалар математик жиҳатдан тўғри исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти рационал сонлар майдонининг чекли кенгайтмаси устида формал даражали қаторлар учун мувофиқлашган координаталар системасининг аниқланиш алгоритми тузилганлиги ҳамда уч ўлчовли фазонинг баъзи қаварик бўлмаган гиперсиртлари учун лагранж махсусликлари синфининг аниқланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мувофиқлашган координаталар системасини ва гиперсиртларнинг лагранж махсусликларини ўрганиш натижаларидан компьютер дастурларини тузишда, айрим "тўла" дифференциал геометриянинг ва математик физиканинг масалаларига қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қавариқ бўлмаган сиртларнинг лагранж махсусликларини ўрганиш билан боғлиқ натижалар асосида:

дисперсион муносабат орқали аниқланган сатҳ сиртларнинг лагранж махсусликлари сиртлардаги ночизиқли интеграл тенгламаларнинг махсусликларига мос келиши FASA 2/2017, "Newton- Kantorovich Method For

Solving A Class of Nonlinear Integral Equations" мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳада ночизиқли интеграл тенгламалар ечимининг мавжудлиги ва ягоналигини исботлашда қўлланилган (Nilai University Malaysia, 10.06.2019). Диссертацияда топилган ўлчовлар Фурье алмаштиришларининг аниқ камайиш тартиби ночизиқли интеграл тенгламалар ечимининг мавжудлиги ва ягоналигини исботлаш жараёнида кулланилган;

силлиқ гиперсиртларда мужассамлашган ўлчовлар Фурье алмаштиришининг текис баҳолари ОТ-Ф4-69 «Гармоник анализ, даражали геометрия ва уларнинг математик физика масалаларига татбиқлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳада дискрет Клейн-Гордон тенгламаси учун Коши масаласи ечимининг вақтнинг катта қийматларидаги характерини текширишда фойдаланилган (Самарканд давлат университети 2021 йил 10 апрельда 10-1030- сон маълумотномаси). Диссертацияда исботланган текис баҳолар ечимларнинг аниқ камайиш тартибини топиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш эълон қилинган, шулардан 9 таси Ўзбекистон Республикаси докторлик диссертациялари учун ОАК тавсия этган илмий нашрлар рўйхатига киради. Улардан 2 таси хорижий илмий нашрларда, 7 таси республика илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссетациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Дастлабки маълумотлар. Зарурий таърифлар ва маълум натижалар»** деб номланган биринчи бобида олинган натижаларни баён қилиш учун керакли бўлган маълумотлар келтирилган. Дастлаб Ньютон кўпёқликларининг асосий ғояси баён қилинган, сўнгра алгебраик сонлар ва рационал сонларнинг алгебраик кенгайтмаси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

1 бобнинг 1.1 параграфида Ньютон кўпёқликларининг асосий таъриф, тушунчалари ва тасдиқлари келтирилган.

1.2 параграфда алгебраик сонлар назариясидан зарурий маълум фактлар келтирилган.

1 бобнинг 1.3 параграфида тайинланган нуқтанинг етарлича кичик атрофида функциянинг ўзгариши тадқиқ қилинади. Шунинг учун “Ньютон кўпёқликлари ва уларнинг нормал конуслари” тушунчалари бир оз ўзгартирилади. Бу ерда А.Н. Варченко ишининг усуллари коэффициентлари бирор умумий майдондан олинган формал даражали қатор учун мувофиқлашган координаталар системасини қуришда ишлатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Охирги параграфда В.И. Арнольднинг содда махсусликлари тўғрисида дастлабки маълумотлар берилган. Бу махсусликлар шу билан ажралиб турадики, уларга мос функциянинг баландлиги иккидан қатъий кичик бўлади.

Баъзи белгилашларни киритамиз. $\mathbb{Z}_+ \subset \mathbb{R}_+ \subset \mathbb{R}$ муносабатда мос равишда манфий бўлмаган барча бутун сонлар тўплами, манфий бўлмаган барча ҳақиқий сонлар тўплами ва барча ҳақиқий сонлар тўпламлари бўлсин. $\mathcal{T} \subset Z_+^n$ қандайдир қисм тўплам бўлсин.

1.3.1-Таъриф. $\mathcal{T}$ тўпламнинг Ньютон кўпёқлиги деб, $\bigcup_{k\in\mathcal{T}}(k+\mathbb{R}_+^n)$ тўпламнинг $\mathbb{R}_+^n$ даги қаварик қобиғига айтилади.

$\mathbb{R}^n$ да координаталар системаси тайинланган бўлсин ва Φ нолнинг атрофида силлиқ функция бўлсин. Бу функциянинг маркази координаталар бошида бўлган Тейлор қаторини қараймиз:

$$\Phi_x \approx \sum_{k\in Z_+^n} c_k x^k, \qquad c_n \in \mathbb{K}, \tag{1}$$

Бу ерда $\mathbb{K}$ – $\mathbb{R}$ майдоннинг бирор қисм майдони ва рационал сонлар майдониниг кенгайтмасидан иборат. Шундай функциялар тўпламини $\mathcal{F}$ билан белгилаймиз. Хусусий ҳолда, бу рационал сонлар майдони, рационал сонлар майдонининг чекли алгебраик кенгайтмаси, ҳақиқий сонлар майдони ҳам бўлиши мумкин. Умуман олганда (1) қатор яқинлашмайди ва у формал даражали қатор сифатида қаралади.

Тейлор қатори Φ_x нинг ташувчиси деб қуйидаги тўпламга айтилади:

$$supp(\Phi_x) = \{k \in \mathbb{Z}_+^n \backslash \{0\}: c_k \neq 0\}.$$

(1.3.1) қаторга мос келадиган Ньютон кўпёқлиги $\mathcal{T} = supp(\Phi_x)$ тўпламнинг Ньютон кўпёқлиги орқали аниқланади ва $N(\Phi_x)$ билан белгиланади.

1.3.2-Таъриф. Координаталар бошидан Ньютон кўпёқлигигача бўлган масофа деб қуйидаги сонга айтилади

$$d(x) = inf\{t: (t, \dots, t) \in N(\Phi_x)\}\ .$$

Умуман олганда, координаталар бошидан Ньютон кўпёқлигича бўлган масофа локал координаталар системасининг танланишига боғлиқ.

1.3.3-Таъриф. Ньютон кўпёқлигининг бош ёғи деб $(d(x), \dots, d(x))$ нуқтани ўзида сақлайдиган энг кичик ўлчовли ёққа айтилади.

π билан $N(\Phi_x)$ Ньютон кўпёқлигининг бош ёғини белгилаймиз. Бош ёқнинг Тейлор қаторидаги мос қисми Φ_π билан белгиланади. Агар π компакт тўплам бўлса, у ҳолда Φ_π квазибиржинсли кўпҳад бўлади, акс ҳолда Φ_π формал даражали қатор деб қаралади. Энди $n = 2$ бўлган ҳолни қараймиз.

$\mathbb{R}^2$ да $Diff$ - координатлар бошини сақлайдиган локал чексиз силлиқ диффеоморфизмлар группаси бўлсин. Φ - тайинланган функция ёки формал даражали қатор бўлсин. $Diff$ группа силлиқ функциялар фазосида (силлиқ ростковлар фазосида ҳам) қуйидаги формула бўйича табиий таъсир этади:

$$\varphi^*\Phi(x) = \Phi\big(\varphi^{-1}(x)\big).$$

У ҳолда бирор $\varphi \in Diff$ учун $\varphi^*\Phi(x)$ функциянинг Ньютон кўпёқлиги табиий равишда аниқланади ва координаталар бошидан Ньютон кўпёқлигигача бўлган масофа $d_\varphi(\Phi)$ билан белгиланади, яъни $d_\varphi(\Phi)$ координаталар бошидан Ньютон кўпёқлиги $N(\varphi^*\Phi)$ гача бўлган масофадан иборат. Бу таъриф А.Н. Варченконинг классик таърифига эквивалентдир.

1.3.4-Таъриф. Φ функциянинг баландлиги деб (ёки А.Н.Варченко баландлиги) қуйидаги муносабат билан аниқланадиган сонга айтилади:

$$h(\Phi) = Sup_{\varphi \in Diff}\{d_\varphi(\Phi)\}.$$

Энди берилган функцияга G- баландлик ва G-мувофиқлашган координаталар системасини умумийроқ тушунчасини киритамиз.

G - $Diff$ группанинг бирор қисм группаси ва $\mathcal{F}$ силлиқ функциялар тўпламининг қандайдир қисм тўплами бўлсин.

Ихтиёрий $\Phi \in \mathcal{F}$ ва $\varphi \in G$ учун $\varphi^*\Phi \in \mathcal{F},$ яъни G қисм группа $\mathcal{F}$ тўпламга таъсир этсин.

1.3.5-Таъриф. Φ функциянинг G-баландлиги деб $h_G(\Phi)$ билан белгиланадиган ва қуйидаги муносабат билан аниқланадиган мусбат сонга айтилади:

$$h_G(\Phi) = Sup_{\varphi \in G} d_\varphi(\Phi)\ .$$

1.3.5-Таъриф. Агар $d_\varphi(\Phi) = h_G(\Phi)$ тенглик ўринли бўлса, у ҳолда координаталар системаси Φ функцияга G-мувофиқлаштирилган дейилади.

Хусусий ҳолда, $G = GL(2, \mathbb{R})$ бўлган ҳолда биз мос равишда чизиқли баландлик ва чизиқли мувофиқлашган координаталар системаси ҳақида фикр юритамиз.

G қисм группа $Diff$ группанинг қисм группаси ва $\mathcal{F}$ барча силлиқ функциялар тўпламининг қисм тўплами бўлса, у ҳолда $h_G(\Phi) \le h(\Phi)$.

Умуман олганда G - мувофиқлашган координаталар системаси ҳамма вақт ҳам мавжуд бўлавермайди. Бу албатта G қисм группадан боғлиқ.

$G(\mathbb{K})$ группани киритамиз. Формал даражали қатор ёки коэффициентлари бирор $\mathbb{K}$ майдондан олинган формал даражали қатор билан аниқланадиган аналитик (силлиқ) функцияни қараймиз

$$f(x_1, x_2) := \sum_{k,j=0}^{\infty} c_{kj} x_1^k x_2^j\,. \tag{2}$$

Шундай функциялар тўпламини $\mathbb{K}\{x_1, x_2\}$ билан белгилаймиз, яна биз $\varphi = (\varphi_1, \varphi_2)$ ўзгарувчиларни шундай алмаштирамизки $\varphi_j (j = 1{,}2)$ функциялар коэффициентлари бирор К майдондан олинган формал даражали қаторга эга бўлсин. ($\mathbb{K}[x]$ билан одатдагидек K майдон устида полиномиал халқани белгилаймиз. Шундай қилиб, $\mathbb{K}[x_1, x_2] = \mathbb{K}[\mathbb{K}[x_1]]$).

1 бобнинг 1.4 параграфида силлиқ функциялар учун мувофиқлашган координаталар системаси тўғрисида асосий тушунча ва натижалар келтирилган.

1 бобнинг 1.5 параграфида нормал формалар тўғрисида маълум натижалар келтирилган. Кейин бу натижалар тадқиқот ютуқларининг баёнида ишлатилади.

«$\mathbb{R}^3$ фазода гаусс эгрилиги иккинчи тартибли нолга эга бўлган гиперсиртларнинг лагранж махсусликлари» деб аталадиган иккинчи боб умумлашган мувофиқлашган координаталар системасига бағишланган. Бу бобда диффеоморфизмлар группасининг бирор қисм группаси бўлган ҳол учун чизиқли баландлик ва чизиқли мувофиқлашганлик тушинчалари умумлаштирилади.

2.1- параграфда коэффициентлари бирор $\mathbb{K}$ майдондан олинган формал даражали қатор учун $G(\mathbb{K})$ группа киритилади ва G- мувофиқлашган координаталар системаси ва G- баландлик қаралади. Бу ерда $\mathbb{K}$ рационал сонлар майдонидан ёки бу майдоннинг бирор чекли кенгайтмасидан иборат.

$G(\mathbb{K})$ группа $\mathbb{K}\{x_1, x_2\}$ функциялар тўпламига табиий таъсир этади, бунда $\mathbb{K}\{x_1, x_2\}$ коэффициентлари $\mathbb{K}$ майдондан олинган формал даражали қаторлар тўпламидан иборат. Агар бирор $\mathbb{K}$ майдон билан ишласак, у ҳолда мувофиқлашган координаталар системаси шу майдон устида формал даражали қатор билан бериладиган функция билан аниқланиши мумкинлигини кўрсатамиз.

Бу бобнинг асосий натижалари қуйидаги теоремаларда келтирилган.

2.1.1-Теорема. Айтайлик, Ф формал даражали қатор

$$\Phi(x_1, x_2) \approx \sum_{|\alpha|\geq 2} c_{\alpha_1\alpha_2} x_1^{\alpha_1} x_2^{\alpha_2}, \tag{3}$$

бўлсин, бу ерда $c_\alpha \in \mathbb{K}$. У ҳолда шундай $\varphi \in G$ алмаштириш мавжудки, $h_G(\Phi) = d(\varphi^*\Phi)$ бўлади. Бундан ташқари $\mathbb{K}\{x_1, x_2\}$ функциялар синфи учун $h_G(\Phi) = h(\Phi)$ тенглик ўринли бўлади, бу ерда $|\alpha| = \alpha_1 + \alpha_2$.

2.1.2-Теорема. Айтайлик, Ф ҳар қандай $\alpha \in Z_+^n$ мультииндекс учун $\frac{\partial^{|\alpha|}\Phi(0)}{\partial x_1^{\alpha_1}\,\partial x_2^{\alpha_2}} \in \mathbb{K}$ муносабатни қаноатлантирадиган аналитик (силлиқ) функция бўлсин. У ҳолда $h_G(\Phi) = d(\varphi^*\Phi)$ шартни қаноатлантирадиган шундай аналитик (силлиқ) диффеоморфизм $\varphi = (\varphi_1, \varphi_2)$, мавжудки, ҳар қандай $\beta \in Z_+^n$ мультииндекс учун $\frac{\partial^{|\beta|}\varphi_j(0)}{\partial x_1^{\beta_1}\,\partial x_2^{\beta_2}} \in \mathbb{K}$, $j = 1{,}2$ муносабат ўринли бўлади. Бундан ташқари, агар Ф ҳақиқий аналитик (силлиқ) функция бўлса, у ҳолда φ диффеоморфизм ҳақиқий-аналитик (силлиқ) функциялар билан берилади, ва $h_G(\Phi) = h(\Phi)$ тенглик ўринли бўлади, бу ерда $|\beta| = \beta_1 + \beta_2$.

Умуман олганда, $\Phi \in \mathbb{K}[x_1, x_2]$ полиномиал функциялар учун полиномиал акслантиришга эга бўлган мувофиқлашган координаталар системаси, ҳатто полиномиал диффеоморфизмлар группаси $\mathbb{K}[x_1, x_2]$ га таъсир этса ҳам, мавжуд эмас.

2- бобнинг 2.2 параграфида мувофиқлашган координаталар системасини топиш алгоритми келтирилган.

2- бобнинг 2.3 параграфида $G = GL(2,\mathbb{R})$ чизиқли группа ва чизиқли-мувофиқлашган координаталар системасига оид маълумотлар келтирилади. Бу группа қавариқ бўлмаган сиртларга мос келадиган фаза функцияларининг махсусликларини тадқиқ қилишда ишлатилган ва қуйидагилар қаралган. $S \subset \mathbb{R}^3$ силлиқ гиперсирт ва $(0,0,0) \in S$ бўлсин. K билан S сиртнинг Гаусс эгрилигини белгилаймиз. Фараз қилайлик, $K(0,0,0) = 0$ бўлсин. Умумийликка зарар келтирмасдан S ни координаталар боши атрофида қуйидаги силлиқ функциянинг графиги билан берилган деб ҳисоблаймиз

$$x_3 = \Phi(x_1, x_2),$$

бу ерда Φ функция $\Phi(0,0) = 0, \nabla\Phi(0,0) = 0$ шартларни қаноатлантирадиган силлиқ функциядан иборат. У ҳолда K қуйидаги кўринишда бўлади:

$$K\big(x_1, x_2, \Phi(x_1, x_2)\big) = \frac{\det\big(Hess(\Phi(x_1, x_2))\big)}{(1+|\nabla\Phi(x)|^2)^2}.$$

Шундай қилиб, $K(0,0,0) = 0$ шарт $\det(Hess\Phi)(0,0) = 0$ шартга тенг кучли. Маълумки $K(0,0,0) = 0$ ва $\nabla K(0,0,0) = 0$ (бу ерда ∇ функция градиенти) бўлган ҳолдаги мос гиперсиртнинг фаза функцияларининг нормал формалари келтирилган.

Асосий шарт (АШ). Бу бобда $K(0,0,0) = 0, \nabla K(0,0,0) = 0$ ва $d^2K(0,0,0) \neq 0$ шартларни қаноатлантирувчи гиперсирт қаралади, яъни шундай $\alpha \in \mathbb{Z}_+^2$ мавжудки, $|\alpha| = 2$ ва $D_\Sigma^\alpha K(0,0,0) \neq 0$ бўлади. Қуйидаги белгилашни киритамиз

$$H := det(Hess\Phi)(x_1, x_2).$$

У ҳолда гаусс эгрилигига қўйилган шартлар қуйидагиларга эквивалент бўлади: бирор $\alpha \in \mathbb{Z}_+^2$, $|\alpha| = 2$ бўлганда $H(0,0) = 0, \nabla H(0,0) = 0$ ва $D^\alpha H(0,0) \neq 0$ бўлади. ∂_j^α билан α тартибли x_j ўзгарувчи бўйича хусусий ҳосила белгиланади ва $D^\alpha = \partial_1^{\alpha_1} \partial_2^{\alpha_2}$.

Фаза функцияларини текширишда Ньютон кўпёқликлари усули қулай ҳисобланади. Бизга керакли бўлган таъриф ва тушунчаларни эслатиб ўтамиз.

Φ функцияга нисбатан (x_1, x_2) чизиқли мувофиқлашган координаталар системаси бўлсин. S нинг гаусс эгрилигини аниқловчи Гессиан чизиқли группанинг ковариантi бўлганлиги учун K га қўйилган шартлар координаталар системасини чизиқли алмаштиришига нисбатан инвариант бўлдаи.

Бу параграфнинг асосий натижасини келтирамиз:

2.3.3-Теорема. Аналитик гиперсирт $S \subset \mathbb{R}^3$ АШ ни қаноатлантирсин ва қуйидаги функциянинг графиги

$$x_3 = \Phi(x_1, x_2), \Phi(0,0) = 0, \nabla\Phi(0,0) = 0,$$

билан берилган бўлиб, бу ерда (x_1, x_2) чизиқли мувофиқлашган координаталар системасидан иборат. У ҳолда Φ қуйидаги шаклда ифодаланади:

$$\Phi(x_1, x_2) = b(x_1, x_2)(x_2 - x_1^m \omega(x_1))^2 + b_0(x_1)$$

бу ерда b,ω,b_0 силлиқ функциялар ва m чекли бўлганда $\omega(0)\neq 0$. Бундан ташқари қуйидаги бир-бирини инкор қиладиган тасдиқлар ўринли бўлади:

A. S нинг бирор бош эгрилиги координатлар бошида нолдан фарқли, яъни $b(0,0)\neq 0$, ёки*;*

A1. $m\geq 4$ ва Φ координаталар бошида A_3 типдаги махсусликка эга, ёки

$$2\frac{\partial^2 b(0,0)}{\partial x_1^2}b(0,0)-4\left(\frac{\partial b(0,0)}{\partial x_1}\right)^2\neq 0;$$

A2. $m=3$ ва Φ функция $A_k(k\geq 3)$ типдаги махсусликка эга;

D. Иккала бош эгриликлар координаталар бошида нолга айланади. Φ координаталар бошида $D_k(4\leq k\leq\infty)$ махсусликка эга. Бундан ташқари, $b(0,0)=0$ ва b функция қуйидаги шаклда ифодаланади:

$$b(x_1,x_2)=x_1b_1(x_1,x_2)+x_2^n b_2(x_2),$$

Бу ерда b_1,b_2 силлиқ функциялар, $b_1(0,0)\neq 0$ ва $2\leq n$ чекли бўлганда $b_2(0)\neq 0$. Аксинча, агар Φ функция $m\leq 3$ шартда A типдаги ёки D типдаги махсусликка эга бўлса, у ҳолда S асосий шартни қаноатлантиради.

III боб **«Чекли каррали уриниш нуқталари билан боғлиқ бўлган махсусликларнинг тадбиқлари»** деб аталади ва бу бобда биринчи ва иккинчи бобларнинг натижалари баъзи қавариқ бўлмаган сиртларнинг Фурье алмаштиришларининг характерини тадқиқ қилишга қўлланилади. Хусусий ҳолда, фаза функцияси D_∞ типдаги махсусликнинг деформацияси бўлган ҳол учун қавариқ бўлмаган сиртларда мужассамлашган ўлчовларнинг Фурье алмаштиришлари тўғрисидаги Л.Эрдош ва М.Салмхофер масаласининг ечими келтирилган. Бундан ташқари, сингуляр интеграл учун Л. Эрдош ва М. Салмхофернинг яхшиланган баҳоси олинган.

3.1- параграф “**Эрдош- Салмхофер томонларидан қаралган сиртлар синфи**” деб аталади ва унда қуйидаги фаразлар қаралган.

3.1.1- Шарт. Агар бирор $x_0\in\Sigma(a)$ нуқта учун $K(x_0,a)=0$ бўлса, у ҳолда $\nabla_x K(x_0,a)\neq 0$ бўлади.

3.1.2- Шарт. $a\in\mathbb{R}^m$- тайинланган нуқта бўлсин. Қуйидаги чеклашни киритамиз, Γ_a эгри чизиқда $|\ z(x)\times w(x)|^2$ силлиқ функция фақат чекли тартибдаги нолларга эга бўлсин, яъни агар $x^0\in\Gamma_a$ бу функциянинг илдизи бўлса, у ҳолда шундай $n\in N$ ва $c\neq 0$ топиладики,

$$|z(x)\times w(x)|^2=\left(dist(x,x^0)\right)^{2n}\left(c+o(1)\right)(\text{бунда } \Gamma_a \text{ бўйлаб } x\to x^0\ )$$

тенглик ўринли бўлади.

Теорема 3.1.1. Агар бирор $a\in\mathbb{R}^m$ учун силлиқ гиперсиртлар оиласи $\Sigma(a)$ 3.1.1- ва 3.1.2-шартларни қаноатлантирса, у ҳолда $M(\cdot,a)$ учун қуйидаги муносабат ўринлидир:

$$M(\cdot,a)\in L^{4-0}(S^2). \tag{4}$$

Бундан ташқари, ҳар қандай $p<4$ учун қуйидаги муносабат ўринли бўлади:

$$\|M(\cdot,a)\|_{L^p(S^2)}\in L^\infty_{loc}(\mathbb{R}^m).$$

Натижа 3.1.1. Агар бирор $a\in\mathbb{R}^m$ учун силлиқ гиперсиртлар оиласи $\Sigma(a)$ 3.1.1- ва 3.1.2- шартларни қаноатлантирса, у ҳолда қуйидаги муносабат ўринли

$\hat{\mu}(\xi, a) \in L^{3+0}(\mathbb{R}^3)$. Бундан ташқари, ҳар қандай $p > 3$ учун қуйидаги муносабатга эга бўламиз:

$$\| \hat{\mu}(\cdot, a)\|_{L^p(S^2)} \in L^\infty_{loc}(\mathbb{R}^m). \qquad (5)$$

3.2- параграфда D_∞ типдаги махсуслика эга бўлган қавариқ бўлмаган сиртларда мужассамлашган ўлчовларнинг Фурье алмаштиришларининг L^p баҳолари қаралган.

$S \subset \mathbb{R}^3$ силлиқ сиртдан ва $\psi \in C_0^\infty(S)$ S да компакт ташувчига эга бўлган силлиқ функциядан иборат бўлсин. $d\mu = \psi d\sigma$ ўлчовни фараймиз, бу ерда $d\sigma$ сиртнинг ўлчовидан иборат. Ўлчовнинг Фурье алмаштиришлари қуйидаги тебранувчи интеграл билан аниқланади:

$$\hat{\mu}(\xi) := \int\limits_S e^{i(\xi,x)} d\mu.$$

Маълумки, $\hat{\mu}(\xi)$ аналитик функциядан иборат.

$\mathbb{R}^3$ даги гиперсиртлар учун қуйидаги масалани қараймиз. Фараз қилайлик, $(x, \omega)|_S$ фаза функцияси (бу ерда $\omega \in S^2$ -маркази координаталар бошида бўлган бирлик сфера) D_∞ типдаги махсусликнинг кичик қўзғалишидан иборат бўлсин.

Теорема 3.2.1. Айтайлик $\mathbb{R}^3$ да S аналитик сирт берилган бўлсин ва у координаталар бошида D_∞ типдаги махсусликка эга бўлсин. У ҳолда координаталар бошининг шундай U атрофи мавжудки, ҳар қандай $\psi \in C_0^\infty(U)$ учун барча ларда $\hat{\mu} \in L^P(\mathbb{R}^3)$ муносабат ўринли булади.

3.3 параграфда олинган натижалар тўрт махраж ҳақидаги баҳоларга қўлланилган.

ХУЛОСА

Олинган натижалар асосида қуйидаги хулосаларни ҳосил қилиш мумкин:

Формал даражали қаторлар учун локал координаталар системасининг мувофиқлашган бўлишининг зарурий ва етарли шартлари исботланган.

$G -$ мувофиқлашган координаталар системаси аниқланган.

$h_G(\Phi)$ баландликнинг $G_1 \subset G_2 \subset \cdots \subset G_n \subset Diff$ қисм группаларга боғланиши топилган ва $G-$ мувофиқлашган координаталар системаси мавжудлигининг етарли шартлари исботланган.

Агар силлиқ функциянинг Тейлор қаторига ёйилмасининг коэффициентлари рационал сонлар майдонига ёки рационал сонлар майдонининг чекли алгебраик кенгайтмаларига тегишли бўлса, у ҳолда умумлашган мувофиқлашган координаталар системаси мавжудлиги исботланган.

Чизиқли мувофиқлашган координаталар системаси асосида гаусс эгрилиги нолининг тартиби иккидан ошмайдиган ноқавариқ сирт билан боғланган фаза функциясининг махсусликлари аниқланган.

Гаусс эгрилиги нолининг тартиби иккидан ошмайдиган сиртга мос фаза функциялари тўртта $A_2, A_3, D_k^{\pm}$ ва D_∞ типдаги махсусликларга эга бўлишлиги исботланган.

Бундан ташқари Эрдош- Салмхоферлар томонидан қаралган сиртларга мос фаза функцияси $A_k (k \leq 3)$ махсусликларининг $\mathbb{R}_+$-версал деформацияси эканлиги кўрсатилган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.09.2019.FM.01.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

СОЛЕЕВА НИГИНА АХМАДЖОНОВНА

ЛАГРАНЖЕВЫ ОСОБЕННОСТИ ГИПЕРПОВЕРХНОСТЕЙ В $\mathbb{R}^3$ С ГАУССОВОЙ КРИВИЗНОЙ, ИМЕЮЩЕЙ НУЛЬ ВТОРОГО ПОРЯДКА

01.01.04 – Геометрия и топология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021 год

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.3.PhD/FM401

Диссертация выполнена в Самаркандском Государственном Университете и Института математики имени В.И. Романовского.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (http:ik-fizmat@nuu.uz/) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Икромов Исроил Акрамович** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Нарманов Абдигаппар Якубович** доктор физико-математических наук, профессор
	Жаббаров Гайратбай Фархадович кандидат физико-математических наук, доцент
Ведущая организация:	**Национальный исследовательский ядерный университет филиал «МИФИ» в городе Ташкенте**

Защита диссертации состоится «26» августа 2021 года в 14:00 часов на заседании Научного совета DSc.30.09.2019.FM.01.01 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871)227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №_____). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан «____» _______________2021 года.
(протокол рассылки №_________ от «____» _______________2021 года).

А.Садуллаев
Председатель научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.ф.-м.н., академик

Н. К. Мамадалиев
Ученый секретарь научного
совета по присуждению ученых
степеней, д. ф. ф.-м. н. (PhD)

Р. Б. Бешимов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению ученых
степеней, д. ф.-м. н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Многочисленные научные и практические исследования, проводимые на мировом уровне, часто сводятся к изучению лагранжевых отображений, которые задаются с помощью так называемой производящей функцией. Эти функции имеют особенности, которые называются лагранжевыми особенностями. Была создана теория классификации гладких отображений, функций и семейств функций. Часто возникает необходимости изучения особенностей гауссова сферического или нормального отображения. Эти особенности часто появляются при решении прикладных задач. Элементарные катастрофы Тома также связаны с нормальными отображениеми, являющимися лагранжевыми отображениями. Поэтому изучение лагранжевых особенностей гиперповерхностей имеет важное значение в геометрии и топологии.

В мире проводятся научные исследования по изучению поверхностей евклидовых пространств связанных с так называемыми, фазовыми функциями, которые являются производящим семейством соответствующего лагранжевого отображения. Имеется Арнольдова классификация этих особенностей в случае общего положения. В этих случаях критические точки имеют конечные кратности и поэтому изолированы. Однако возникают такие особенности которые не появляются в случае общего положения и эти особенности не изолированы. В случае поверхности уровня дисперсионного соотношения дискретного оператора Шредингера невыпуклы и гауссова кривизна в некоторых точках обращается в нуль. Л.Эрдош и М.Салмхофер исследовали случай когда гауссова кривизна имеет нуль первого порядка, т.е. градиент гауссовой кривизны отличен от нуля в корнях гауссовой кривизны.

В нашей стране особое внимание уделяется актуальным аспектам геометрии и топологии, которые имеют научные и практические применения в фундаментальных науках. В частности, в последние годы значительные результаты были получены в исследовании лагранжевых особенностей, связанных с невыпуклыми гиперповерхностями. На поверхностях уровня более общего дисперсионного соотношения возникают точки, когда гауссова кривизна имеет нуль второго и более высокого порядка. Более того, имеются точки, где все главные кривизны обращаются в нуль. Проведение исследований на уровне международных стандартов по приоритетным направлениям «Функциональный анализ, геометрия и топология» было определено как одно из фундаментальных исследований[2]. В связи с этим представляется важным исследовать особенности производящих функций. Имеется взаимно-однозначное соответствие между производящими функциями и соответствующими лагранжевыми отображениями. Эта теория

---

[2] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №292 от 18 мая 2017 года «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан».

до сих пор развивается на основе применения методов теории особенностей, коммутативной алгебры, лагранжевой геометрии и компьютерной алгебры.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, указанных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», ПП-4387 от 9 июля 2019 года «О мерах государственной поддержки дальнейшего развития математического образования науки, а также коренного совершенствования деятельности Института Математики имени В.И. Романовского Академии Наук Республики Узбекистан» и ПП-4708 от 7 мая 2020 года «О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики», а также в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной области деятельности.

